



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Ал-Хоразмий номидаги жамоа ҳўжалигида кўргазмалар семинари ва «Янмар» фирмасининг митти галла комбайнлари тақдироти бўлди. Бу тадбирларни республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутахассислари Ўзбекистон бозоридида ишлаётган Япония саноат ва савдо компанияларининг вакиллари билан биргаликда ўтказди.

● Самарқандда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, соҳага хорижий сармояларни жалб этиш, замонавий технологияни жорий қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

● «Ўзбекқишлоқмаш» акциядорлик жамиятида турли хасталикларни даволашга мўлжалланган барокамераларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу маҳсулотнинг дастлабки туркуми яқин кунлар ичида Россияга жўнатилади.

● Мамлакатимиз пойтахтида ўзбек-поляк иқтисодий семинари бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилоятининг Пахтачи ва Нуробод тумани пахтакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат буюртмасини адо этдилар. Ҳар икки туман заршунослари режага қўшимча равишда пахта топширишга киришдилар.

● «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятида ўтказилган байрам тадбирига алоқачиларнинг оила аъзолари таклиф этилдилар.

● Нурота шаҳрида «Алломий» дostonининг тўйига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Чирчиқдаги «Асил-Осиё» асбобсозлик илмий-техника маркази «Химавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда тайёрлаётган атроф-муҳит ифлосланиши даражасини ўлчовчи асбобларнинг дастлабки туркуми Хиндистонга жўнатилади.

● Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетида «Ўзбекистон тарихи» кафедралари ўқитувчиларининг малака ошириш курси якунланди, тингловчиларга махсус гувоҳномалар топширилди.

● Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари «Дийдор» фотогалереясида хитойлик сураткашларнинг «Бугунги Хитой» номли кўргазмасини ташкил этди. У Хитой Халқ Республикасининг 49 йиллигига бағишланди. Ушбу кўргазма Хитойнинг «Шадисо» корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ЖАХОНДА

● «Австрияда Ўзбекистон иқтисодиёти кун» дe-ган мавзудаги конференция Австрия Республикасининг Федерал иқтисодий палатасида ўтказилди. Унда Венага махсус таширф буюрган Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, Австриянинг бир қатор вазирликлари, идоралари, йирик фирмалари, компаниялари ва банкларининг раҳбарлари қатнашдилар.

● Кеча Озарбайжонда президентлик сайловлари ўтказилди. Кўпчилик овоз билан Ҳайдар Алиев Президент этиб сайланди.

● Туркманистон ҳўкумати Франция ва Буюк Британия инвесторлари билан туркман нефтини жаҳон бозоридида сотиш тўғрисидаги шартномани имзолади.

● БМТ Бош қотибининг Эрон-Афғон можаросини барқарорлаштириш бўйича махсус вакили Лаҳдар Браҳимий Исмоилободга келди. У Техронда турт кун бўлиб, Эрон раҳбарлари билан музокаралар олиб бораёқлигини айтди.

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Эронни ва Афғонистоннинг Талибон раҳбарларини умумий чегараларда имкони борида вазминлиги кўрсатишга чақирди.

● БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури Кубага умумий қиймати 20,5 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда турли хил маҳсулотлар етказиб бераёқлигини эълон қилди.

● Эрон армияси қўмондонлиги Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда ўтказишга мўлжалланган кенг қўламли ҳарбий машқларни 22 октябрда кечиктириб қўйди.

● Мурманск аҳолисида ёрдам тариқасидаги озиқ-овқатларнинг дастлабки туркуми Финляндиядан сотиб олинди ва юк автотранспортида жўнатилади. Контейнерларда 11 минг доллар қийматидаги озиқ-овқат маҳсулотлари бор.

● АҚШнинг махсус вакили Ричард Холбрук кеча Югославия Президентини Слободан Милошевич билан музокараларда ҳеч қандай натижага эришилмаганини айтди. Бироқ музокаралар яна давом эттирилади.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Қирғизистонда чекишга қарши тадбирларни ўтказишга қарор қилди. Бунга сабаб республикада чекувчилар сонининг сезиларли равишда ўсиб бораётганидир. Бундан ташқари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу тадбир орқали мамлакатда кун сайин авж олаётган захарли сигареталар контрабандасининг ҳам қамалишга эришиш ниятида.

● Таиланда 18 ҳарбий амалдор гиванд моддалар контрабандасида айбланмоқда. Улар уюшган гуруҳ сифатида яширин равишда Австралия, Жанубий Корея ва Тайланддаги маслақдошларига «қора дори» етказиб туришган.

● Жанубий Кореянинг халқ табиридан бир гуруҳи Қирғизистонга келди. Улар Бишкек касалхоналарида бўлиб, кўплаб беморларга халқ табobati усулида тиббий ёрдам кўрсатадилар.

● Туркия Жумҳуриясининг 75 йиллиги муносабати билан Анқарада Биринчи халқаро маданият ва санъат фестивали очилди. Ушбу анжуманда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат «Ялла» ансамбли ҳам иштирок этмоқда. Фестиваль доирасида туркийзабон жумҳуриятлар рассомларининг кўргазмаси очилди. Унда ўзбекистонлик мўйқалам усталари Абдували Мўминов, Одил ва Темур Холмиевларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БОРИС ЕЛЬЦИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

11 октябрда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида Россия давлатининг раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Аэропортдан икки давлат раҳбари тушган автомобиллар қаровни Дўрмон қароргоҳига йўл олди. Бу ерда Россия Президенти Борис Ельцинни тан-

танали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Юқори мартабали меҳмон шарафига қароргоҳ ҳар икки давлат байроқлари билан безатилди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул бошлиғи Борис Ельцинга рапорт беради. Президент Борис Ельцин ва Президент Ислам Каримов дипломатик корпус раҳбарлари ва расмий делегациялар аъзоларини қутлашади.

Шу кун Президент Ислам Каримов ва Президент Борис Ельцин ўртасида

яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда Россия — Ўзбекистон муносабатларининг турли қирралари ҳусусида сўз юритилди, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истикболлари муҳокама этилди. Шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалаларига, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалаларни тезроқ ҳал қилишга эътибор қаратилди.

Олий даражадаги музокаралар билан бир қаторда Россия ва Ўзбекистон ҳукуматлари делегациялари аъзолари амалий учрашувлар ўтказдилар. Музо-

каралар чоғида ҳамкорлик тўғрисидаги бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов номидан Россия Президенти Борис Ельцин шарафига расмий қабул маросими ўтказилди.

Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

● **Россия давлати раҳбарининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва Ўзбекистон — Россия музокаралари тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг кейинги сонидида эълон қилинади.**

Ҳар мавсумнинг ўзига яраша юмушлари бўлади. Олтин кўзимиз ҳам бундан мустасно эмас. У айни пишиқчилик, йиғим-терим палласи. Шу билан бирга бу давр қишга пухта тайёргарлик кўриш ва уни узиш-кесил ниҳоясига етказиш мавсуми эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Шунинг билан «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюшмасига қарашли мева-сабзавот комбинатларида ҳам мавсумга махсус лотларни, айниқса картошка ва пийёзи етарли жамғариш ишлари авж олмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 22 июнидаги 293-Ф сонли фармойишини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «1998 йилнинг 1 июлидан 30 сентябргача Тошкент шаҳрида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш ҳақида» қарор қабул қилган эди, — дейди «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюш-

маси бошқаруви раиси Йўлдошли Абдусатторов. — Мана шу ярмарка даври ҳам мева ва сабзавот комбинатлари раҳбарларига қишга тайёргарлик учун олдиндан яхши бир шароит яратди. Чўчки улар бозорларимизни мўл-кўл қилиш ниятида республикамизнинг турли вилоятларидан юборилган маҳсулотлар қаровининг вакиллари билан учрашиб, ўзаро мулоқотда бўдилар, керакли шартномаларни тузиш учун келишиб олдилар.

Яна бир янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Бу йили кўпчилик бозорлар ихтисослаштирилди. Бу янгиликнинг шабадаси мева ва сабзавот комбинатларимизга ҳам кириб келди, улардан самаралар фойдаланиш имконияти яратилди. Сабаби комбинатларимиз қиш мавсуми тугагач, маълум бир муддатгача ҳўвилаб қоларди. Ана шуни назарда тутиб, уюшмага қарашли йирик комбинатларда ихтисослашган бозорлар ташкил этилди. Масалан, 1-комбинат қошида қурилиш материаллари ва дон-дун бозори очилди. 2-комбинатда мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотлари улгуржи бозори иш бошлади. 3-комбинатда эса акция моллари сотуви йўлга қўйилди.

Қиш тайёргарлигини ёктиради

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДАСТУРХОНИ

қишда ҳам мева-сабзавотга тўқин бўлсин деб

Бундан қўланган асосий мақсад комбинатлардан унумли фойдаланиш бўлса, иккинчидан, бозор иқтисодиёти шартларида уларнинг молиявий таъминотини мустаҳкамлашдан иборат.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида комбинатларда қиш мавсумига жамғариладиган маҳсулотлар масаласи кўриб чиқилди. Шаҳар ҳокими фармойиши билан жамғарма мақсадлари учун 150 миллион сўм ажратилди.

— Бу пул миқдори камми, кўпми? — шундай савол билан мунозаарат этдик уюшманинг тайёрлов ва улгуржи савдо бўлимининг бошлиғи Абдуқаҳҳор Маъдалиевга.

— Етарли. Қолаверса биз ўтган йил тажрибасидан фойдаланамиз. Барчага маълумки, баҳоси ва йўл харажатлари ошиб кетганлиги учун 2 йилдан бери четдан картошка олмаяпмиз. Бутун эътиборимизни ўз вилоятларимизда картошка ва пийёзи етиштирадиган ҳудудларга қаратганмиз, — дейди бизга Абдуқаҳҳор Маъдалиев. — Шунинг учун иложи борида картошкани мўл ҳосил олиб, уни қиш мавсумига етарли жамғаришга ҳаракат қилияпмиз. Бунда бизга яққоҳол ва фермер ҳўжаликлари яқиндан ёрдам бери-

шяпти. Шу туфайли мавсум давомида бозор пештахталаридан картошка ва пийёзи ари-мади.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам қиш тайёргарлигини эрта бошладик. Ҳозиргача барча комбинатларимиз маҳсулотларни қишга жамғаришга тахт қилиб қўйилган. Барча таъмирлаш ва иситиш-совутигиларни соғлаш ишлари ҳам аллақачон тугалланган. Айни

жалланган 3-комбинат Янгиобод ҳудудида жойлашган. Ҳозир бу ерда дастлабки сара пийёзлар музхоналардан ўрин олмоқда. Биз комбинатда бўлган кўнимиз унинг директори картошка жамғариш мақсадида вилоятларга жўнаб кетган экан. Хизматчилар пийёзларни саралаш ва уни контейнерларга жойлаш билан банд. Улардан баъзилари маҳсулотларни тузлаш ва қайта ишлашга жалб этилган. Энг муҳими комбинатда озодгарчилик. Айни қизин палла бўлишига қарамай комбинат ҳудуди саранжом-сарошга.

— Уюшмамиз бўйича қишгача 3000 тонна пийёз, 2000 тонна картошка жамғариб олмасак ҳамшаҳарларимиз олдида уялиб қоламиз, — дейишади комбинат хизматчилари.

Уюшмага қарашли 2-комбинатда бу йил 2000 тонна пийёз, 2000 тонна картошка сақлаш мўлжалланмоқда. Барча омборхоналар белгиланган жамғармани жойлашга тахт қилиб қўйилган. Ортиш-тушириш, юклари ташиш механизмлари ишга тўла шай.

Шунингдек, ҳар бири 300 ва 200 тоннадан картошка жамғаришга шайланган 5-ва 6-комбинатларда ҳам мавсумий ишлар имкон қадар бораётганининг гувоҳи бўлидик.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. Юқоридагилардан барча мева ва сабзавот комбинатларида ҳамма ишлар кўнгилдагидек бораётти деб бўлмайди. Ҳусусан уюшма йил бошидан бери жами 10 минг 927 тонна маҳсулот, 9 минг 270 тонна картошка, 3 минг тоннага яқин мева ва уюш жамғариши керак эди. Лекин комбинатлар ҳисобида етарли маблаг йўқлиги сабабли бу режа оғирлик билан бажарилаётти. Комбинатлардан қарздор бўлган ҳўжаликлар сони ошиб бораётти. Бу муаммоларни тезда ҳал этиш лозим.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ

Келгуси йил учун вақтлик нашрларга обуна қилиш палласи кўрмоқда. «Тошкент оқшом» газетасининг муштарийлари ўзлари севган газетанинг муштарийлигини иситишга алоқа бўлишга кириб, обуна бўлишлари мумкин. Бинобарин, у ҳар галгидек энг яқин ҳамроҳ, энг яқин суҳбатдош бўлиб қолади.

Тахририят ижодий жамоасининг келгуси йил режалари катта. Газета саҳифаларида турли ёшдаги ва турли касбдаги муҳлисларга манзур бўладиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар ёритилади. Шаҳаримизда, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг сўнгги янгиликлар ҳам аввало «Оқшом» саҳифаларида

ёритилади. Бундан ташқари ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлардан ҳам ўз вақтида хабар топасиз.

Тахририятга келган мактубларда муштарийларимизнинг ҳафтанинг жума кунини қадагидан «Дам олиш оқшомиди» қўш саҳифаси материалларини мириқиб ўқишларини ёзишган. Келгуси йилда ҳам жума кунлари чиқадиغان ана шу дам олиш саҳифаларида ранг-баранг мақолалар — севимли ёзувчи санъаткор билан диллашувлар, ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар, маданият янгиликлари, спорт оламида бўлаётган янгиликлар, уй бекаларига маслаҳатлар, ҳуллас турли касбдаги ва кизиқишдаги муштарийларга аталган теша

тегмаган гапларимиз бўлади. «Оқшом» газетаси чакана савдога чегараланган миқдорда чиқарилади. Келгуси йил учун газетани обуна тартиби ҳам бирмунча ўзгарди. Энди яқин тараздаги обуначилар ва идоралар учун обуна алоҳида ҳолда расмийлаштирилади. «Тошкент оқшом» газетасига республикамизнинг турли шаҳарлари ва қўрғонларида истикомат қилаётганлар ҳам обуна бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, азиз дўстлар, ўзингиз севган ва қадрлаган «Тошкент оқшом» газетасига обуна бўлишга шўшилинг!

Нашр индекслари: Яқин обуначилар учун — 209. Идоравий обуначилар учун — 563.

Обуна — 99



— Ҳа, «Тошкент оқшом» газетаси мен ардоқлаган нашрлардан биридир. Мана 32 йилдирки, ушбу газетани қўлдан қўймай, мириқиб ўқиб келаман. Унда пойтахтимиз, мамлакатимиз ҳаётидаги энг сўнгги янгиликлар, ду-

Муштарийлар ози

ҲАКИМ НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МЕН АРДОҚЛАГАН ГАЗЕТА

неда бўлаётган гаплар жуда тезкорлик билан бери-моқда. Газетанинг ҳар бир саҳифасидан албатта, ўқимишли, қишга ҳузур бағишлайдиган мақолаларни топасиз.

Каминанинг кўпгина бадиий асарлари, мақолалари ҳам дастлаб мен учун севимли бўлган «Тошкент оқшом»да ёритиб келинади. Бундан мен жуда ҳам севинаман.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маънавият марсиаларига, таълим-тар-

бия масалаларига айниқса катта аҳамият берилмоқда. Газета саҳифаларида шу тилга олган мавзуларга кенг ўрин берилаётганини ҳам диққатга сазовордир.

Мен «Тошкент оқшом» газетасига зўр қониқиш билан келгуси йил учун обуна бўлишим. Ўйлаيمان-ки, тахририят ижодий жамоаси 1999 йилда ҳам газетанинг ўқимишли ва қизиқарли бўлиб чиқиши йўлида бутун маҳоратларини ишга солиб, қалам тебратди.



Бандлик

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ, МАСПАХАТЛАР ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар Мехнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳамда Навоий шаҳри меҳнат биржаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик бошланди. Улар аввалига иш тизими билан танишиб, сўнг Юнусобод туманида бўлиб ўтган меҳнат бозори, яъни «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасида иштирок этишди.

— Биз меҳнат бозори ва ярмаркани бошқача услубда бўлади деб ўйлаган эдик, — дейди биз билан суҳбатда Навоий шаҳри меҳнат биржаси раҳбари вазифасини бажарувчи Шавкат Одилов. — «Юз марта гапиргандан бир курган афзал» деганларча бор экан. Менда меҳнат ярмаркасини ташкил этиш ва уни ўтказиш ижобий таассурот қолдирди. Бундай таърибани фақат Навоийда эмас, бошқа шаҳарларда ҳам ўрганилди. Фойдалан ҳоли бўлмайди. Чунки иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳамма жойда топилади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам меҳнат биржаси томонидан маслаҳат ва ёрдам олади дейиш жуда қийин. Чунки юртимиздаги кўплаб фуқаролар биржа нима эканлигини тушуниб етмайдилар. Аммо мен ярмаркада иштирок этиб, кўп нарсани аниқладим. Шу нарсани тушуниб етдимки, биржа фуқаролар учун энг яқин маслаҳатчи ва кўмакчи экан. Бизнинг Навоий шаҳринида 130 минг турли миллатдаги аҳоли яшайди. Жуда катта-катта комбинат ва заводлар бор. Аммо уларнинг барчасида иш ўринлари қисқариши кескин авж олмоқда. Масалан, Навоий тоғ-металлургия комбинати, цемент, электрқимё заводлари, қурилиш бошқармалари, «Жанубийсанавий» трести, Навоий ГРЭСи ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларда қисқаришлар кўп. Шаҳарда вужудга келмаётган муаммо биргина биржа ходимларининг эмас, барча корхона ва муассасалар раҳбарларини ташвишга қўйиб, бу ишни муҳим масала деб тушуниб етди. Натижада Тошкент шаҳри меҳнат биржаси ишлари билан қизиқиш, ўзини-ўзи қайта қўйишларини чинқариб олди.

Иш фаолиятини бошлаган бир йил бўлган республика «Хунарманд» уюшмаси «Усто-шогирд» мактабининг раҳбари Мавлуда Қосимова билан суҳбатлашганимизда у меҳнат ярмаркасининг ўтказилиши хусусида шундай деди:


Бизнинг мактабимизда ўтган вақт ичида 90 нафар ёш хунарманд билим олди, хунар ўрганди. Мактабимизда ўқиб билиш йили ҳамда бепул. Айни вақтда ўқитган ва хунар ўргатаётганлар сони 450 дан ошди. Биз, албатта биринчи марта бундай меҳнат ярмаркасида иштирок этаямиз. Бунинг шуниси қувончлики, жуда кичик фурсат ичида юздан ортиқ ёшлар ва ота-оналар манзилдоҳимизни, амалга оширилаётган ишларимизни сўраб кетишди. Энг асосийси тайёр маҳсулотларимизнинг намуналарини кўриб, қизиқишлари янада ортиди. Мактабимиз республика миқёсида фаолият кўрсатади, билим ва хунар ўргатувчиларнинг ёши чегараланмаган. Шунингдек, ўқувчиларга стипендия, амалий иш фаолияти

жараёнида ойлик маош ҳам берилмайдиган. Бир йил ўқиб ва иш жараёнида хунар ўргатган шогирдга мустақил ишлаш учун тегишли хужжат берилади. Бизда 40 хил хунарнинг бири билан шугулланиш мумкин.

— Фарзандларимизнинг хунарли ва ишли бўлишида туман меҳнат биржаси ходимларининг меҳнати жуда катта, — дейди навбатдаги суҳбатдошимиз, «Минор» маҳалласи оқсоқоли Баҳодир Исмолов. — Чунки

277 минг кишини ташкил этади. Шулардан ишга лавозимлари 180,7 минг киши. Уларнинг 129,5 минг киши халқ хўжалик тармоқларида иш билан банд.

Туманимиздаги корхона, ташкилот, муассаса, кичик ва хусусий корхоналар ҳар ойда бўш иш ўринлари, вакант лавозимлар ҳақида маълумот беришади. Мана шу маълумотлар асосида ўқитилган бериш 812 нафар фуқаро ишга



ки ҳар бир маҳаллага биттадан инспекторлар бириктирилиб, кези келганда ишламай юрган ишга лавозимли инсонлар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашади. Идорага тақлиф этилиб, тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар беришади. Қайта ўқиб ва касбини ўзгартирмакчи бўлганларга ҳам кенг имкониятлар берилади. Маҳалламизнинг оталиқча олган Елена Григорьева ҳафтада икки марта келиб, муражаат этувчиларга ўзининг қимматли маслаҳатларини беради.

— Ойла йили муносабати билан биз биржа ходимлари ҳар бир оиланинг тинч-тотувлиги йўлида бор имкониятлардан фойдаланаямиз, — дейди биржа раҳбари Мактуба Варахובה. — Ойлада иш билан банд бўлмаганлар қанча кўп бўлса, шунча ноҳуш ҳоллар қўяверамиз. Натижада оила инкирозга учраб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам инспекторларимиз доимо маҳалла оқсоқоли ва фаоллари билан иш билан банд бўлмаган оилалар, иш ахтариб юрган ёшлар билан алоҳида шугулланишлар. Туманимизда умумий аҳоли со-

жойлаштирилди. 135 нафар фуқаро эса «Касбга йўналтириш ва қайта ўқитиш» бўлими томонидан ўқишга йўланма оlishди. «Бандлик, меҳнатдан фойдаланиш, меҳнат бозорини таҳлил ва таҳмин қилиш» бўлими томонидан янги иш жойларини ташкил қилиш ҳисобга олинганда 283 та янги иш жойлари ташкил этилди. Бу борада маъжуд 49 та маҳалла оқсоқолларининг савий-ҳаракатлари ҳам алоҳида-адади.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, энг аввало ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб қилинса ҳам унумли бўлади, ҳам чиройли чиқади. Доноларимиз бежиз айтишмаган-ку ахир «Кенгашли иш тарқамас» деб. Биз мана шу нақлга амал қилган ҳолда иш юртимизда.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.
СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасидаги лавозимлар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Маълумки, ҳозирги пайтда Ҳамаият тараққиёти масалалари билан шугулланадиган олимлар «гуманитар тараққиёт» деган иборани олиб қираяптилар. «Гуманитар тараққиёт» аввало инсоннинг барча имкониятларини ривожлантириш, манфаатларига ишлатиш демакдир.

Илгариги концепцияларга кўра у ёки бу соҳада янги техника, технология яратилиб, кейин у яратилган янгиликни ишлатиш учун ишчилар ўқитилиб, ўргатилар эди. Ишчилар янги техникани ўзлаштиргунча у руҳан эскириб, янгиси ишлаб чиқарила ва ўқиб яна давом этар эди.

Энди бўлса инсон тараққиёти, унинг қамолоти биринчи ўринга қўйилиши билан ҳар қандай янги техника, технологияни қисқа муддатда ўзлаштириб, уни юқори самара билан ишлатиш имкони пайдо бўлади.

ЎЗ-ЎЗИДАН, инсонни ривожлантириш тушунчасига қандай мазмун берилган, деган савол келиб чиқади. Албатта, инсоннинг ривожланиши бир қатор кўрсаткичларда ўз аксини топади. Масалан, инсоннинг маданий савиясида унинг хулқ-атвори, муомала маданияти, билими, малакаси, турмуш тарзи, соғлиги, умрининг узун-қисқа бўлиши, мусиқа, тасвирий санъат, кино, театрда бўлган муносабати, янгиликларни тез тушуниши ва қабул қилиши, бошқа бир қатор ижобий хусусиятлар ўз аксини топади.

Маънавий савия тушунчаси икки миқёсда, яъни умумдавлат ва ҳар бир инсон миқёсида ўз тушунчасига ва ўлчамига эга. Давлатнинг маънавий даражаси тўғрисида шу давлатда яшаб ўтган ва яшаётган фуқаролар томонидан яратилган ва яратилаётган маънавий қадриятларга қараб баҳо бериш мумкин. Масалан, ҳар 10000 кишига тўғри келадиган олий маълумотли, фан номзоди, фан доктори, врачлар, тиш докторларининг сони, ёзилган китоблар, яратилган мусиқа, тасвирий санъат намуналари билан белгилан мумкин. Ҳар бир инсоннинг маънавий савиясини у билан суҳбатлашиб, эксперт баҳо орқали аниқласа бўлади. Давлат ва ҳар бир инсоннинг маънавий савияси яратилган ихтиролар, янги машиналар, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашув, автоматлашув даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот, маиший ва бошқа хизматлар миқдори, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган туғилиш, ўлим, касаллик миқдори, аҳолининг сув, газ, электр билан таъминланганлик даражаси билан ҳам ўлчаш мумкин.

Аҳолининг маънавий савияси аҳоли жон бошига тўғри келадиган радиоприёмник, телевизор, музлатгич, чанглотгич, автомобиль ва бошқа уй жиҳозларининг миқдори билан ҳам белгиланади. Ривожланган мамлакатларда маънавий даража тўғрисида аҳолининг табиатга, сув ва ерга бўлган муносабатига қараб ҳам баҳо бериш мумкин. Маданият инсон ҳеч қачон табиатга, ер, сувга нисбатан нотўғри муносабатда бўлмайди. Бундай инсон суви бўлмағайди, тупроқни заҳарламайди, яшаб турган жойини ифлослантирмайди, даракларни қийратмайди.

Маънавиятли инсон ўзининг танасини, қийим-бошини, уй-жойи, иш хонасини ҳамма вақт озода тутайди. Маданиятли инсоннинг маънавияти ҳам юксак бўлади. Одатда маданиятли инсон ўзини қонунга, тартиб-интизомга қучлироқ бўйсундиради. Бундай инсон ўзини ҳамма вақт маълум доирада идора қилади. Унинг бошқа одамлар, оила аъзолари билан муносабатлари ҳам маданият талаблари даражасида амалга ошади. Маданиятли инсоннинг маънавияти бой бўлганлиги учун у билан мулоқот мароқли ва лаззатли бўлади. Бундай инсонлар ниятда қизқарли ҳамсухбат бўлади. Улар ўз хулқлари, маънавияти билан бошқаларнинг маънавиятига, хулқига ижобий таъсир кўрсатадилар. Улар ўзларининг маданияти билан бошқа инсонларни тарбиялайдилар. Маданиятли инсон ўз устида кўп ишлайди, у кўп китоблар, газета-журналлар ўқийди, жуда ҳам қизиқувчан бўлади. Унинг қизиқиш доираси ҳам анча кенг бўлади.

Маданиятли инсон ҳатто оқватланаётганда ҳам маълум қоидаларга қатъий риоя қилади. У оқватни қабилиятли, чойни ҳўриллатиб ичмайди ва унинг ёнидаги одамларнинг асабига теғмайди. Суҳбатлашаётганда ҳам ўзини ниятда эҳтиёт тутайди. Қўпол гап-сўз, хатти-ҳаракати билан суҳбатдошининг асабига теғиб, ўзидан бездирмайди, қайғиритини бузмайди. Гапни ўз ўрнида гапирди. Ўзини мактаб, эъзалик қилмайди. Даврада ўтирганда иложи борида барчанинг хурсанд, ҳушқачқак вақт ўтказиши устида қайғурди ва шу мақсадни кўзлаб ҳаракат қилади. Давра қатнашчиларига ёқмайдиган баҳкана қилиқларини қилмайди. Аксинча, ўзининг намунали хулқи, ширин сўзи билан бошқаларга намуна бўлади. Маънавиятли инсон тарихий қадриятларга, бошқа халқларнинг тили, дини, маданиятига, урф-одатларига ҳурмат билан қарайди. Бундай инсон ўзи тили, дини, маданиятини умум-жаҳон маданиятининг бир бўлиги деб қарайди. Ўз миллати, маданиятини ҳеч қачон бошқа миллатлар маданиятидан устун қўймайди.

Шундай қилиб маданият инсонларни бир-бирига боғловчи, инсонлар маданиятини ривожлантирувчи омил. Маданиятли инсоннинг меҳнатга, маҳсулот сифатига, иш жойидаги тартиб-интизомга муносабати ҳам жиддий бўлади. Дарвоқе, одамнинг табиатга, ерга, сувга бўлган муносабати ҳам унинг маданиятида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб, маданият бу турмуш тарзи, ривожланиш эса инсон имкониятини оширишдан иборат, деган хулосага келиш мумкин.

У ёки бу турмуш тарзи инсон имкониятларининг ўсишига қандай таъсир кўрсатади? Албатта ижобий. Бунинг исботини ривожланган мамлакатлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ривожланишга ҳозирги турмуш тарзини кескин ўзгартириб эришиш мумкин.

Бизнинг бутунги турмуш тарзимиз янада юқориқ бўлиши учун бошқарувни, ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил қилиш, ишчиларнинг малакаси, таълим-тарбияси, маданияти анча юқори бўлиши керак. Юқори маданият кўрсаткичи юқори даражадаги иқтисодий ривожланиш таъминлайди. Масалан, ҳозирда Япония, Жанубий Корея, АКШ, Германия аҳолисининг малакаси, маданияти дунёда энг юқори деб бекорга айтишмайди.

Японияда иқтисодий тараққиёт, стратегиясини белгилашда халқ ва олий таълимни ривожлантиришга катта эътибор берилган эди. Бу сиёсат жуда тўғри бўлиб қичди ва ўзини

оқлади. Япон халқи дунёда маданияти, малакаси жиҳатидан етакчи ўринни эгаллаш билан бир қаторда мамлакат иқтисодини ҳам тез суръатлар билан ривожлантирди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам таълим тизimini тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор берилмоқда. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бош мақсади қадрларни тайёрлашнинг узлуксиз тизimini яратиш ва бу тизим орқали чуқур билимга эга бўлган, маънавияти, ахлоқ-одоби намунавий, мустақил фикр қиладиган, бир неча чет тилларини биладиган, компьютер техникасини яхши ўзлаштирган, ватанпар-

даниятни ривожлантириб, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга эришиш схемаси бўйича олиб борилади.

Бу йўл бийрўла ҳам инсонни қамолотга олиб келади, ҳам иқтисодий ривожлантириб, инсонга ўзининг барча эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлган турмуш тарзини яратди.

Маънавиятни ҳар бир инсон ўз салоҳияти, ақл-заковатига қараб тасаввур қилади ва ўзига тушунтиради. Салоҳияти катта инсонлар маънавият тўғрисида чуқурроқ, кенгроқ мулоҳаза қиладилар ва уни қадрлайдилар.

Маънавиятнинг фундаментал, доимий шугулланиш лозим бўлган масалалари ва муайян вазиятдан келиб чиқиб шугулланиш зарур бўлган масалалари бор.

Маънавиятнинг доимий масалалари қуйидагилар:

- тарихий, миллий қадриятларни ўрганиш, уларни авайлаб-асраш, кейинги авлодларга етказиш;
- ахлоқ-одоб, ёшларни тарбиялаш;
- маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш;
- миллий мафқурани шакллантириш ва ривожлантириш;
- инсоний фазилатларни ёшларга сингдириш.

Вазиятдан келиб чиқиб эътибор бериладиган масалалар:

- диний экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш, ислом динини сақлаб қолиш;
- ахлоқий бузуқчиликка қарши кураш;
- порахўрлик ва бошқа салбий иллатларга қарши кураш;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини тўғри шакллантириш;
- ижодкорликни ривожлантириш.

ЎХШ, шахримизда маънавий ишларнинг аҳволи қандай? Бу саволга жавобан маънавий-маърифий ишларнинг ҳолатини икки йўналишда, яъни шаҳар туманлари ҳокимликларида ва тармоқларида фирма, компанияларда, жамоат ташкилотларида бу соҳада олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, баҳо берамиз.

Маънавий-маърифий ишларнинг ҳолатига баҳо беришда, аввало Ўзбекистон Республикаси Президентининг маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга қаратилган 1994, 1996 йилларда қабул қилган Фармонларининг бажарилишига эътибор қаратмоқ лозим.

Тошкент шаҳар туманларининг бирортасида ҳам маънавият хонаси ташкил қилинмапти. Маълумки, маънавият хонаси маънавий озуқа берадиган, тарбиялайдиган ва маънавий ишларни олиб боришнинг услубий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиб тарқатадиган жой. Шунинг учун маънавий хоналарини ташкил қилиш, уларни жиҳозлашга катта эътибор бериш керак.

Туман ҳокимликлари миллий байрамларни нишонлаш, ҳар хил кўрик-танловлар ўтказиш, улуг алломаларга бағишланган тадбирларни маҳаллаларда, корхоналарда, жамоат ташкилотлари иштирокида кўплаб ўтказётганлигини таъкидлаш керак.

Тармоқлар бўйича маънавий-маърифий ишлар халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида яхши олиб борилади. Мактабларда, университет, институтларда маънавият дарслари ўқув дастурига киритилган.

Лекин, саноатда, тахминан 10 фоиз корхоналарда маънавий тадбирлар олиб борилади. Қурилиш, транспорт, савдо, тиббиёт, маиший, коммунал хизмати соҳаларида, прокуратура, ички ишлар, суд органларида маънавий тадбирлар етарли олиб боришмайди. Бинобарин маънавий-маърифий ишлар олиб боришмайди-ган соҳаларда меҳнат интизоми паст даражада, камчиликлар авж олиб кетган.

Маънавиятнинг бирламчи ташкилотларини тузиб, фирма, компания, корхоналарда режа асосида маънавий чора-тадбирларни олиб бориш қоникорсиз даражада.

Жамоат ташкилотларидан шаҳар хотин-қизлар қўмитаси «Қамолот» жаамгармасининг Тошкент шаҳар бўлими, «Маҳалла» ҳайрия жаамгармасининг Тошкент шаҳар бўлими биргаликда кўплаб тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳозирги пайтда маънавий-маърифий ишлар қайси йўналишларда олиб борилиши керак? Булар қуйидагилардан иборат:

- маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг узлуксиз тизimini яратиш;
- маънавий-маърифий ишларнинг қучли бошқариш тизimini яратиш;
- маънавий-маърифий ишларни мактабга таълим масканларида, мактабларда, академик ва хунар, таълим лицейларида, олий билим даргоҳларида ўқув жараёни билан боғлаб олиб бориш;
- маънавий-маърифий чора-тадбирлар олиб бориш негизини яратиш, мустаҳкамлаш;
- меҳнатқашлар ишлайдиган, аҳоли яшайдиган жойларда, жамоат ташкилотларида маънавий-маърифий ишларни тинимсиз олиб бориш.

Маънавий-маърифий ишлар қуйидаги воситалар ёрдамида олиб борилади:

- телевидение;
- радио;
- газета;
- журнал;
- бевосита мулоқот, маъруза, давра суҳбати, фикр алмашув, мунозара;
- китоб.

Бу воситаларнинг барчасидан шароитга ва имкониятга қараб фойдаланиш керак. Маънавий-маърифий ишларни олиб бориш йўналишини белгилашда аҳоли фикрини ўрганиш, жамятда рўй бераётган жараёнларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маънавият соҳасида ҳар хил танловлар ўтказиш ҳам маънавий ишларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳозирги замон ижодкорлари яратётган маънавий қадриятларни жамлаб, келгуси авлодга етказиш ишларини ҳам амалга ошириш керак.

Хуллас, маънавият соҳасидаги барча ишлар маънавий қатламни ҳам чуқурлаштириш, ҳам унинг доирасини кенгайтириб аҳолига қучлироқ таъсир қиладиган маънавий муҳит яратишдир.

Садир САЛИМОВ, республика «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» жамоатчилик марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, профессор.

МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Минбар

вар мутахассисларни етиштириб чиқариш. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалга ошса:

- ижтимоий-сиёсий иқлим, маънавий-маданий муҳит ижобий томонга ўзгариши керак;
- янги тоифадаги билимдон, катта салоҳиятга эга мутахассислар иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръатларини тезлаштирадilar;
- барча соҳада ижодкорлик ривожланади;
- аҳоли маданияти, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тез суръатлар билан ривожланади.

Бу жараёнларнинг бари охир-оқибатда ижобий натижаларга олиб келади.

МАДАНИЯТ тушунчаси ниятда кенг ва чуқур. У қийинишда, юриш-туришдагина эмас, мамлакатдаги тарихий қадриятларга, тилга, табиатга муносабатларда ҳам кўринади. Маданият инсон ҳаётининг барча томонларини ўз ичига олиб, уни инсон бошидаги тоғжа таққослаб ифода қила билади. Чунки маданият — инсоннинг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфаси мазмуни ва шаклининг ифодасидир. Инсон қиёфасининг шаклида, яъни унинг қийиниши, қийимларнинг ранг ва тикилиши жиҳатидан бир-бирига мос тушуши инсон табиатининг қанчалик нозиклиги ва юқори даражада қамол топганлигидан дарак беради.

Инсоннинг маънавияти унинг ахлоқи, муносабати, гапи-сўзида, қонунга бўлган муносабатидан ўз аксини топади.

Шакл ва мазмуннинг бир-бирига мос тушуши инсоннинг барқамоллиги ва маданият чўққисини қанчалик забот этганлигидан дарак беради. Собик совет даврида одамларни мулкдан, уларнинг меҳнати туфайли яратилган бойликдан маҳрум қилиш, инсон ҳуқуқларининг қозғола бўлишию амалда чекланиши, сўз, ҳаракат эркинлигининг бўлмаслиги, инсонни бир томонлама фикр қилишга мажбур қилувчи мафкура яқка ҳокимлиги маданиятни ўсишдан тўхтатиб қўйди. Охир-оқибатда бу ҳол одамларни жоҳилликка, давлат мулкига ўғирлик манбаи сифатида қарашга, табиатга, ерга, сувга, қадриятларга жаҳолат билан қарашга олиб келди.

Орол денгизининг қуриб бориши, Аму ва Сир дарёларини сувининг ифлосланиши — бу оммавий маданиятсизлик мисолидир.

Совет даври халқимизга хос бўлган ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, кўнгли очкилик, болажонлик, ота-оналарга, қатталарга иззат-ҳурматли муносабатда бўлиш хусусиятларини деярли йўқ бўлиш даражасига олиб келди. Уларнинг ўрнини халқимизга мутлақо мансуб бўлмаган ичкиликбозлик, ўғирлик, ёлгончилик, катта-кичик орасида ҳурматсизлик каби иллатлар эгаллаб бошлаган эди.

Мустақиллик туфайли давлатимиз аҳолини соғломлаштириш, тарихий қадриятларимизни тиклаш, маданиятни, маънавиятни ривожлантириш ишларига катта эътибор берапти. Соғлом авлод учун катта ишлар амалга ошириляпти. Таълим, тарбия, билим бериш ишлари тубдан қайта қуриляпти. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш, уларнинг қобилиятини қучайтириш, хорижий университетларга ўқишга юбориш ишлари кенг қўламада олиб бориляпти.

Аҳолининг маданий савиясини оширишга қаратилган ишлар ҳам ривожлантириляпти. Умуман олганда, аҳолининг маданий савиясига бир томондан давлатнинг маданиятни ривожлантириш сиёсати таъсир кўрсатса, иккинчи томондан ҳар бир инсон ўз устида ишлаб, ўзининг маданий савиясини узлуксиз ошириб бориши лозим.

Маълумки, одамнинг ижтимоий мазмуни ва унинг жаҳондаги ўрни маданиятда ўз аксини топади. Ҳар бир давр ва ҳар бир мафкура ўзи учун маданият муаммосини янгидан ҳал қилади.

Инсонни гуманитар ривожлантириш масаласи илгари сурилиши муносабати маданият бу бир бутун ахлит эканлигини ва унинг кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топишини тушуниб етатишдан вақт келди.

Инсон маданиятини шакллантириб, уни ривожлантиришда таълим, тарбия, тиббиёт, илм, фан, техника, технология, социология, психология, сиёсат, экология, тарих, археология, этика, эстетика, адабиёт, санъат, мусиқа, кино, театр, муҳит, ахлоқнинг роли катта. Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш ма-



Дунёда инсон рухиятини тушуниш ва турфа туйғуларини ифода эта олиш қодир бир мўжиза бор. Бу — кўшиқ. Сиз-у бизга ёшимиз ва кайфиятимиздан катти назар доимий йўлдош у. Айтадиларки, кўшиқ кайфият танламайди, балки кайфият кўшиқ танлайди. Ана шундай олий санъат бўстониға кириш, кирганда ҳам ўз гулдастасига эга бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу манзилдан ўтмоқ, том маънода санъаткор даражасига етишиш учун эса хонанадан кўп ва ҳўп меҳнат, изланиш талаб этилади.

Мен кўйда суҳбатлашимга жазм этганим — ана шу йўлда ўз овозига эга бўлиб улгурган ширин овоз соҳибаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги «Дуторчилар» ансамбли солисти Зайнаб МИРЗАТИЛАЕВАдир. Мени аввало уларнинг исмларининг кўйилиш тарихи, уша машҳур «Ўтган кўнар» романидаги Зайнаб билан мўқоаса қилиш кизиқтирди. Шундай қилиб:

— Зайнаб опа, исмингизни ким қўйган ва Абдулла Қодирийнинг «Зайнабга» боғлиқ жиҳати борми?

— Кўпчилик шундай деб ўйлаши табиий, чунки бу романин севиб ўқимайдиган китобхон топилама керак. Лекин исмининг кўйилиш тарихи бошқачароқ. Онанинг исми Зулфия. Пайғамбаримизнинг невараларининг исми Зайнаб бўлган экан. Бахти, ҳаёти пайғамбаримизнинг невараларига ўхшаш бўлсин деб

нийат қилиб қўйишган экан. Ҳарқалай бу исм ўзимга ҳам ёқди.

— Зайнаб опа, бугунги кун кўшиқчилиги, миллий эстрадамиз ҳақидаги фикрларингиз.

— Назаримда, миллий кўшиқчилигимиздан бироз узоқлашиб кетгандекмиз. Бизнинг қандай улус мақомларимиз бор. Ҳозир қайси тўйга борманг ёшлар «Араваси бор», «Рина-рина»ни сурашади. Гоҳида хафа бўлиб кетасан, «Мустаҳод»ни

— Режиссёр Максуд ака Юнусов сценарийни курсатиб, кўшиқ олдидан берилишни илтимос қилганлар. Шейрни ўқийман-у қўй қўйилиб келаяпти. Кўшиқ мусикасини ўзим басталадим. Телеомошабинларга жуда ёқибди шекли, сирдорлик бир муҳлисимиз номимга шеър битиб юборибдилар, давраларда ҳам сураб туршади.

— Бизга маълумки, ансамблингиз раҳбари (илоҳим жойлари жаннатда бўлсин) Га-

рингизга қанчалик меҳрибон, жонқуяр бўлсангиз, эртага фарзандингиздан меҳр толасиз. Мен Ўзбекистонимизга, унинг бугунги кўнига қараб туриб гоҳида хавотирланаман. Шундай турмушимиз, аҳиллигимизга қўз тегмасин дейман.

— Сир бўлмаса ҳозир қандай ижодий ишлар билан бандсиз? Келгуси режалар...

— Ҳозир кўпроқ кичкинамага алла айтапман. Қизим Дилдорахон Оила йилда дунёга келди. Қолаверса «Ўтган кўнар» фильмида Кумуш қўшигини ижро этдим. Ўйда бўлишимга қарамай, устозларим кўнгирак қилиб, келиб танловларга чакришмоқда. Албатта келгусида инсонларга малҳам бўладиган, умидбахш кўшиқлар тўхфа этиш ниятим бор.

— Армонингиз борми?

— Худога шўкр, онажоним ҳаёт, турмуш ўртоғим, урта фарзандим бор. Лекин инсон умид билан яшаганидек, санъат институтининг режиссура факультетини тугатган бўлсам-да, театр ёки кинода роль ўйнамаганман. Эзгуликнинг кечи йўқ дейишди, балки энди насиб этар.

— Муштарийларга тилларингиз.

— Юрагим тўрдаги барча савийий тиллақ-истақларимни ўйлайман. Юртимиз тинч бўлсин. Тинч юрда тўйлар бўлаверсин, кўшиқ яхшиликка хизмат қилаверсин.

— Ушбу суҳбатни тайёрлаш ниятида Зайнаб опанинг уйлариға бординида қўлариди беш ойлик Дилдорахон билан илик қўтиб олдилар. Бирдан кўнгирак жингиллаб қолди, бастакор Мирҳалим ака «Устозлар» кўрик-танловига таклиф этиб, кўнгирак қилган эканди.

— Гаҳи бўла туриб ўз ижодини, изланишини давом эттираётган, элнинг яхши кўнарларида хизмат қилиб, ўч фарзандини меҳр билан парвариш этаётган, турмуш ўртоғи кўнгиға йўл топаётган хонандага, тўғриси ҳавас қилдим.

Суҳбатдош Муқаддас ЮСУПОВА.

АЁЛ ВА САНЪАТ

айтиб турсанг, келиб бошқасини сурашади. Уларга қарата «Авал ўзимизнинг қўйиллатиб эшитиб қўй» деган пайтларим ҳам қўп бўлган. Олтин захирамиздаги бой мусиқа меросимизни ёшлар онгига сингдиришимиз зарур. Бу борада радио, телевидениенинг ролини ошириш зарур.

— Кўшиқни яратётганда, демокчанми шеър танлаётганда кўпроқ нималарга эътибор берасиз ва қайси бастакорлар билан ижодий мулоқотдасиз?

— Шеър танлаётганда мазмун — гоёсига қизиқаман. Кўшиқ кичкина ҳақда бўлса ҳам тингловчиға маънавий озик, фикр берса дейман. Бастакорларга келсак, раҳматли устозим Ғанижон ака қўп қўй яратиб берганлар. Қарҳамон Комилов билан ижодий мулоқотдамиз. Мен учун унча яхши чиқмаган янги нарс қилишдан кўра, эски ашулани дундириб айтиш муҳим. Бу билан санъатни ўтмаслашайдан, меросимизни тарғиб қилмасликдан сақлаб қолган бўламан деб ўйлайман.


— Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» видеофильмида айтган кўшигингиз ўзгача чиққан. Унинг тарихи ҳақида...

ниҳон ака буюк санъаткор, мусиканинг но-зик ҳижатларини тушуна олувчи инсон эдилар. Устоз санъаткор билан боғлиқ хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ғанижон ака бизга нафақат устоз, балки ғамхўр ота эдилар. Устоз санъаткор билан ишлаш насиб этганлигидан фархланаман. У киши билан боғлиқ хотиралар чексиз. Сафарларга чиқсак, дом ёнимизда бўлардилар. Турмуш ташвишлари домига тортса, далда берардилар. Яшагиз, ижод қилишга қўп ундардилар. Ғанижон аканинг ўғилларини, берган маслаҳатларини шу кунгача жамоамиз эслайди, санъаткор олдидан масъулиятимиз юксаклигини барчамиз сезиб турамыз.

— Оилани Ватанинг бир бўлагига қийс-лашади. Дарҳақиқат ҳам шундай. Айтнингчи, Оила Сизнинг наздингизда нималарни англатади?

— Ватанинг ўзи катта бир оила. Оилада ҳам-манинг ўз ўрни, йўли бор. Оиладаги ўзаро муносабат фарзандларга кўчади. Айтишдику «Қуш уясида қўрганини қилади» деб. Қон-қардошлар-



Она табиатнинг ўзгарувчан об-ҳавоси нафақат боғу-роғларга, балки улкан тоғ тизмаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Бегубор осмон узра ўз нурини таратаётган қуёш юзини бир зумда қора булут қоплайди. Демакки, ўлкамизга куз келибди.

Телефон жиринглади. Дастакни қўлогимга тутиб:

— Лаббай! — дедим.

Жавобдан қўлогим қоматга келди:

— Жа-а одобли бўлиб кетибсанми? Нима ба-ло уйингда совчилар борми? Хей, менга қара, тезроқ уларнинг қовшини тўғрилаб, бу ёққа чик! Папаш бугун жа-а добрий бўлиб келибди. Кўзлари кий-киёлигидан фойдаланиб пул сўрасам, қўлга сикканини берди! Тез чик, дискотекага борамиз! Хей, эрга текканингдан кейин бундай сакролмайсан! Бўл...

— Алло, сизга ким керак ўзи? — дедим аранг.

— Э, ўл! Таннимадингми, Коми? Ким бу ўзи? Алло! Менга Комилахон керак эди?

— Бу ерда ундай киз турмайди. Номерда адашдингиз шекли...

— Адашганим йўқ! Ўзи Тошкент телефонлари шунақа! Ха, бўпти!

Гўшакда калта-калта гўдоқлар эшитила бошлади.

Мен эса нечанчи марта симда ҳам жон бордек, телефондан безиллаганимни хис қилиб, кўнглим чўкиб кетди. Эшитида сўрнай чалинишни кутаётган кизларнинг муомаласи юрагимга тегди.

Муносабат

СИМДА ҲАМ ЖОН БОР

Эшлигингда эшитганимга, қўлгингда бир умрга қоларкан.

Университетнинг талабаси эдим. Иш ўрганиш учун «Саодат» журналича юборишди. Дастлабданқоқ ходимларнинг телефондаги нозик муомаласи эътиборимни тортиди. Идорадаги уч телефоннинг қай бири жирингласа ҳам, уни ким қўтаришдан қатъи назар биринчи сўзи:

— Лаббай! — бўларди.

Кейин билсам, бу фази-лат ҳаммага Зулфияхонимдан «юққан» экан.

У киши ўрни-ўрнида ҳам-мамизга телефон ҳам ярим дийдор эканлигини, қўпол муомала қилишни ҳатто телефондан безиллатиб қўйи-ши мумкинлигини қўп айтди.

Иш жараёнида у киши ҳалдан-ҳали сиз орқали яхши муомала билан узоқ манзилни яқин қилишни, ишни тез ва соз битиришни ўргатдилар. Кишиларда яхши таассурот қолдириш, уршаданда уялиб қолмаслик учун қалбимиздаги илқилиғи эзгулики симнинг нариги ёғидилардан аясмаслики таъкидлардилар. У киши билан гаплашганда телефон ярим дийдор эмас, кўнглини кўтаридиган, кўзини нурлантирадиган тўлиқ дийдорлигини хис қилардик.

Катта-кичик ёзувчи-шоирларнинг ҳаммаси жур-нализмизда асарлари билан иштирок этишни фахр деб билишарди. Бунда шу теле-фон муомалаларининг аҳамияти катта эди, албатта. Домла Ойбек, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Ға-фур Ғўломлардан бу оддий муомала учун қўп марта «Баракалло!» эшитганим.

Зулфияхоним доим қалам аҳли табиатининг нозикли-гини таъкидлабгина қолмай, вақти келса уларнинг рафи-қалари билан ҳам гаплаш-ганда ўзбекча одоб сақ-лаш зарурлигини қўп тайин-лардилар:

— Кўпинча телефонни ёзувчиларнинг умр йўлдош-лари қўтаришарди. Қўларни оддий ўй бекалари, яна ўзинингиз улардан усту-н кўрсатманг! Мен фалон ре-дакцияда ишлайман-ку деб, дабдурстан «Фалончин» телефонга чакриб бери-нг!», деманглар. Ҳаммала-ри адабиёт оламидан, эр-ларнинг нима устида ва қандай ишлайётганидан бо-хабар аёллар. Салом бериб, қилмигингизни танитиб, омонлигини сўраб, кейин журналга шеър ёки ҳикоя ваъда қилганларини, шуни эслаб қўймоқчи эканли-гинингизни айтсангиз бас. Ишонинг, уша қуни бўлма-са ҳам, эртасига албатта айтган нарсангизни катта ёзувчиларнинг ўзлари олиб келиб беришади. Маданият-ли, одобли муомалага жа-ваб ҳам юксак даражада бў-лади-да...

Зулфияхонимнинг айтган-лари тўғри чиқарди. Шеър ёки ҳикоя олиб келган кат-та ёзувчилар, гарчи биз Зулфияхоним номидан те-

лефон қилган бўлсам ҳам, тўғри бўлимга, телефон қил-ган ҳодим, ёнига келишар, кейин биргаликда Зулфия-хон хоналарига кирардик.

Шу катта ёзувчи-шоир-ларнинг таърифларига:

— Топширигингизни ба-жаролганимдан хурсандман. Бир ўқиб кўринг, маълум бўлса — кўнглим юксалади, — деган камтарона гаплари ҳамон қўлогимда...

...Бугунги телефондан кейин буларни эслаганим беҳиз эмас. Ҳозир телефо-ндаги айрим муомалалар ки-шининг дилини оғритади. Қўпинча телефон жирингла-ганда олсангиз, салом йўқ, алик йўқ, ўзини танитиш йўқ соатлаб валақланади. Қў-пинча телефон қилаётган-нинг ҳам, телефони кўтар-ганнинг ҳам қўпол «Ким бу?» си юракни тешиб ўта-ди. «Ассалому алайкум!», «Лаббай!», «Агар малол келмаса...», «Бош устига...» каби кўзи нурлантирадиган сўзлар ўрнига беҳосдан «Ким бу?» ни эшитсангиз, ўддек тегар экан. Ундан кў-ра...

Тошкентдаги 8-туғруқноҳа фойесида қўйилган суҳба-тинг гувоҳи бўлидим:

— Алло!

— Лаббай!

— Ассалому алайкум! Бу — 6-қаватми?

— Ҳа, ҳолажон.

— Барака топкур, қўйин бўлмаса, 8-палатадан Саодатхонини чакриб беринг.

— Ҳў бўлади, ҳозир, хо-лажон!

— Раҳмат, умри-жонин-гизга барака берсин!

Бироз туриб:

— Алло, мен — Саодат-хонман. Чакиртирган экан-сиз...

— Омонингизлар, келин болам! Мен...

— Вой, ойжон, ассало-му алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Тинчимизлар? Яхши ётиб-сизларми?

— Яхшимиз, ойжон! На-бирингиз ҳам яхши. Овора бўлибсиз-да, ойжон!

— Ундай деманг, болам. Овозингизни бир эшитай дедим. Телефон ҳам ярим дийдор-да. Мана анча кўн-глим жойига тушди, тетик овозингизни эшитдим. Аллоҳ икки жонни ҳам саломат қилсин! Ҳеч нарсани ўйла-май, тинч ётишлар. Ўйдаги болаларингиздан кўнглингиз тинч бўлсин. Чақалоқ қачон келади деб кўзлари тўрт бў-либ қўтиб туришибди. Керак гапларни хатта ёзиб қўйиб яхши қилибсиз, ойжон. Ҳам-масини тайёрлаб қўйганман, эртага бериб юбораман. Дийдор кўришгунча хайр, болам!

— Раҳмат, ойжон! Яхши ётиб олинг, уйимиздагилар-га салом денг!

— Ҳа, телефон — инсоният маданияти, заковатининг махсули. Ундан фойдалан-ганда, у билан муомалада ҳозирги суҳбатдаги каби шу маданият акс этиб турса — қандай яхши!

Раҳима ШОМАНСУРОВА.

XX аср вабоси асосан 1981 йилдан бошлаб жaxon олимлари диққатини жалб қила бош-лади. Шу пайтгача аник ОИТСга қарши дори-дармон топилмади. Жaxon тиббиётининг етак-чи олимлари бу соҳада тинмай изланишлар олиб бормокдалар. Францияда чоп этилади-ган машҳур «Съясэ Э ви» журналининг ёзиш-ча, Ғабондаги халқаро тиббиёт илмий-текти-риш институтига иккита шимпанзе келтири-ди ва улар текширилиб қўрилганда иккаласи ҳам ОИТСнинг янги, номаълум вируси билан касалланганлиги аниқланди.

Ваҳоланки кейинги 15-20 йил ичида Африкада текширилган кўк мартиш-ка маймунларнинг ҳар ик-кисидан бири ОИТС би-лан касалланган эди. Ян-ги вирус генетик таҳлил қилинганда шуни кўрсат-дики, бу янги вирус одам ва бошқа маймунлар ви-русига мос келар экан. Шимпанзедан топилган янги вирус одамнинг ВИЧ-1 вирусига ўхшашроқ экан. Айрим тадқиқотчи-лар бу янги вируснинг аниқлишини, ОИТС нинг маймундан одамга ўтган-лигини инкор қиладилар.

Ҳозирги пайтдаги бар-ча маълум маймунлар ви-руси уларнинг авлодлари-ни касалдан қолган ВИЧ-2 ви-русига мос келади. Бу ви-рус билан Ғарбий Афри-кадаги маймунлар касал-ланган. ВИЧ-2 вируси, Марказий Африка ва жа-хонда тарқалган ВИЧ-1 вирусининг узоқ қариндо-шидир. Бундан кўриниб турибдики, жаҳонда бир эмас, иккита эпидемия мавжуд, уларнинг вирус-лари ҳар хил бўлиб, тур-ли географик ҳудудларда тарқалган. Ҳозир маймун-лардан, одам вируси ВИЧ-2 га қиянроқ бўлган 4 та вирус олинди, топи-лди. Япония олимларининг маймунлар устида олиб борган амалий таҳриба ва изланишлари натижа-сида шу нарс маълум бўлдики, жаҳондаги бар-

ча маймунлардаги вирус-лар одам ОИТСнинг ил-дизи бўлолмайди, чунки уларнинг вируслари одам-да топилган ВИЧ-1 ва ВИЧ-2 га вирусига ҳеч ўхша-маган. Ҳеч бир маймун бир вақтда ВИЧ-1 ва ВИЧ-2 ви-руси билан касалланши мумкин эмас. Бу ВИЧ-1 ва ВИЧ-2 вируси фақат одам танасида тарқалган ҳолос.

Ана энди савол туғила-ди. Одамга вирус маймун-дан ўтмай, балки, аксинча, одам маймунга касаллик-ни юктирган бўлиши му-кин. Балки СПИД вирус-и миллионлаб йиллардан буён мавжуд бўлиши му-кин ва ўз фаолиятида жу-да ҳам кам одамларни жа-саллатириб, ҳеч ким уни-ни қандай касаллик экан-лигини билмаганлар, чун-ки ОИТС вирус-и секин-ас-та йиллар сари одам тана-сини емириб боради ва одам узоқ муддат касал-ла-ниб, кейин ўлади. Бу са-волларга ОИТС билан шу-ғулланувчи олимлардан ҳеч бири аник жавоб берол-майди, чунки ОИТС касал-лигининг қачон бошланган-

лигини ҳеч ким билмайди. Касалнинг касаллик тари-хи XIX асрга келиб ёзила бошланди.

Қизиги шундаки, ОИТС касаллиги билан оғриган одамда касаллик аломат-ларини дарҳол аниқлаш қийин, унинг аломатлари бир неча ойдан ёки бир неча йилдан кейин маълум бўлиши мумкин, чунки ало-матларида турли касал-ликлар кўринишлари рўй беради.

мор 1952 йили Мемфис касалхонасида (Теннеси штати) вафот этди. АҚШ шифокорларининг ёзиш-ча беморда турли касал-лик аломатлари бўлган (озии, ич кетиш) тана им-мунитетининг сусайиши натижасида у вафот этган, ҳеч қандай дори-дармон фойда бермаган.

Европада ОИТС билан касалланган биринчи одам 25 ёшли инглиз ден-гизчиси эди. Унинг қони-дан намуна олиб қўлин-ган, кейинроқ қон таҳлил қилинганда унда ОИТС ви-руси борлиги аниқланди.

ОИТС касаллигининг шу кунлари тарқалишига ва унинг ривожланишига ик-ки сабаб бор, дейдилар. Олимларга агар ОИТС ви-руси аввалдан мавжуд бўлса, нима учун у энди аник маълум бўлди, деган савол билан мурожаат эт-дик. Улардан шундай жа-воб оламиз: биринчидан, касаллик қўзғатувчи вирус кейинги асрлар давомида жуда ўзгариб, фаолаш-ди. Иккинчидан, сайёра-мизда турли ижтимоий ўзгаришлар, Ер аҳолиси-ни бир жойдан иккинчи жойларга қўчиб ўтишлари, савҳатлар, ахлоққа эркин-лик беришлик, гивъанд-ликнинг қўлпа тарқали-ши, кенг микёсда қон қуиш ва танага турли до-риларни шприц орқали юборишлар сабаб, десак хато бўлмайди.

Қисқаси ОИТСнинг пай-до бўлишига маймун эмас, одам сабабчидир, чунки атроф-муҳитни ўйламасдан ўзгартриши, экологиянинг бузилиши, табиат қонунарига хилоф равишда иш тутиши XX аср вабосига инсониятни дучор қилди. Яна ҳам та-биат бизга ўз қаршилиги-ни кўрсатаётгани йўқ. Биз қуриб турган экологик му-возанатнинг бузилиши унинг биз сезган бир қис-мидан ҳолос.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.

ОИТС (СПИД) НИНГ МАНБАИ ҚАЕРДА?

Аср вабоси

Африка қитъасида қўла-б турли эпидемиялар ту-файли миллионлаб одам-лар ўлиб кетди. Лекин ОИ-ТС Африка, Европа, АҚШ-да анча кейин аниқланди. Тарихга назар ташласак, ОИТС аломатларига мос келадиган касалликлар мумкин мавжуд бўлиши мум-кин ва ўз фаолиятида жу-да ҳам кам одамларни жа-саллатириб, ҳеч ким уни-ни қандай касаллик экан-лигини билмаганлар, чун-ки ОИТС вирус-и секин-ас-та йиллар сари одам тана-сини емириб боради ва одам узоқ муддат касал-ла-ниб, кейин ўлади. Бу са-волларга ОИТС билан шу-ғулланувчи олимлардан ҳеч бири аник жавоб берол-майди, чунки ОИТС касал-лигининг қачон бошланган-

лигини ҳеч ким билмайди. Касалнинг касаллик тари-хи XIX асрга келиб ёзила бошланди.

Қизиги шундаки, ОИТС касаллиги билан оғриган одамда касаллик аломат-ларини дарҳол аниқлаш қийин, унинг аломатлари бир неча ойдан ёки бир неча йилдан кейин маълум бўлиши мумкин, чунки ало-матларида турли касал-ликлар кўринишлари рўй беради.

мор 1952 йили Мемфис касалхонасида (Теннеси штати) вафот этди. АҚШ шифокорларининг ёзиш-ча беморда турли касал-лик аломатлари бўлган (озии, ич кетиш) тана им-мунитетининг сусайиши натижасида у вафот этган, ҳеч қандай дори-дармон фойда бермаган.

Европада ОИТС билан касалланган биринчи одам 25 ёшли инглиз ден-гизчиси эди. Унинг қони-дан намуна олиб қўлин-ган, кейинроқ қон таҳлил қилинганда унда ОИТС ви-руси борлиги аниқланди.

ОИТС касаллигининг шу кунлари тарқалишига ва унинг ривожланишига ик-ки сабаб бор, дейдилар. Олимларга агар ОИТС ви-руси аввалдан мавжуд бўлса, нима учун у энди аник маълум бўлди, деган савол билан мурожаат эт-дик. Улардан шундай жа-воб оламиз: биринчидан, касаллик қўзғатувчи вирус кейинги асрлар давомида жуда ўзгариб, фаолаш-ди. Иккинчидан, сайёра-мизда турли ижтимоий ўзгаришлар, Ер аҳолиси-ни бир жойдан иккинчи жойларга қўчиб ўтишлари, савҳатлар, ахлоққа эркин-лик беришлик, гивъанд-ликнинг қўлпа тарқали-ши, кенг микёсда қон қуиш ва танага турли до-риларни шприц орқали юборишлар сабаб, десак хато бўлмайди.

Қисқаси ОИТСнинг пай-до бўлишига маймун эмас, одам сабабчидир, чунки атроф-муҳитни ўйламасдан ўзгартриши, экологиянинг бузилиши, табиат қонунарига хилоф равишда иш тутиши XX аср вабосига инсониятни дучор қилди. Яна ҳам та-биат бизга ўз қаршилиги-ни кўрсатаётгани йўқ. Биз қуриб турган экологик му-возанатнинг бузилиши унинг биз сезган бир қис-мидан ҳолос.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

МИРМУХСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЗАНЖИРБАНД

Ш Е Р

(Романдан парча)



Ўзбекистон халқ ёзув-чиси, яқинда Ватанимиз-нинг «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлган Мирмухсин «Занжирбанд шер» номли янги роман ёзди. Асарда яқин кеч-миш — етмиш йил давом этган шўролар даврида ўзбек зиёлиси, умуман ўзбек миллий кадрлари-ни, тарихимиз бўйлиб ётгани, истиклол шаро-фати билан юзага чиққа-ни, ўзлигимиз, эркин меҳнату эркин фикр, мус-тақиллик замонига етга-

нимиз тасвирланади. Ҳуқуқсизлик занжирлари пар-чаланди, ёш муҳандис Нажот ва унинг севилиси Бўтакўз муҳаббатларига кенг ўрин берилди. Умр бўйи таъкибу қувгинда бўлган профессор Мирҳабиб Ниёзий ва бошқаларнинг ҳаёти ва қурашлари ёркин табиий бўёқларда кўрсатилади. Қуйида шу роман-дан бир парча ўқийсиз.

ЗАНЖИРБАНД

ШЕР

(Романдан парча)

(Давоми. Боши 3-бетда).

Киз икки мансабдорни кузатди-да, кейин қўлидаги китобни арақлади. Ҳа, дарҳақиқат, йигитнинг нигоҳи ғоятда юлдузи иссиқ кизга тушган эди.

У ким экан?

Киздан узокроқда, оёғи остига жомадончасини қўйиб, мармар панжарага суяниб турди. Бошқа томондан яна кизга тикилди. «У жуда ҳам ўхшаш...» деди ўзига ўзи йигит. Лекин унинг ўхшаш бу дунёда йўқ, ҳаётдан кўз юмганлиги унга аён. Инсон инсонга шунчалик ўхшаш бўлармикан, деди ўзига ўзи! Одам одамга шу қадар ўхшармикан? Тавба! Қош билан кўз яқинлиги, сочларининг қалинлиги, дудоклари, бурни... худди унинг ўз-ғана! Бундай йирик қора кўзлар — тузук, қилдан ясалган тузук, эрта-ю кеч кўзга ўхшаб, тикилиб ётиб йўрғалаб юрган беданани кутиб ётади, охири-оқибат у оёғига тушади, потиллаб учмоқчи бўлган куш қўлга тушади.

Дунёда фусункор кўзлардан кучли нарса йўқ, бу кўзлар филни ҳам доводиратиб қўйиши мумкин. Пахлавлонлар жангда отда қолиб, қилич солади, найза уради, танклар гиштин уйларни емиради, бузади, шаҳарларни вайрон этади, самолётлар бомбардимон этади... Аммо уларнинг барчаси бу сирли кўзлар олдида ҳеч гап! Кўзлар бор, дунёда энг қудратли, энг ўткир куч эканини ҳамма билармикан?

Мармар панжараларга суяниб турган йигит миясидан нималар ўтмасди, дейсиз. Қизнинг кўзи китобда-ю, йигит нигоҳи мухташам аэропорт шифту хашамларидан бўлгани билан уларнинг диққат марказлари айни вақтда бир нуктада, яъни бир-бирларида эди. Инсоннинг шунчалик ҳам истараси иссиқ бўлармикан, деди йигит ўз еридан жилмай. Гавжум одамлар ичида уни йўқотиб қўймаслигини ўйлаб, ўз еридан асло жилмади. У ўз ўлжасига тикилган сайёдадек қотиб турар, қизнинг бир лаҳзада одамлар ичига ғойиб бўлиб қолишидан қўрқарди.

Аэропортда одамлар кўп, барча чумолидек тинимсиз ўрмалайди, ҳар қимда бир интилади. Лекин йигит ҳаёли ўша йирик кўзли кизда. Чунки у ҳаётда йўқотган кизига жуда ўхшарди. Иккинчи бор йўқотишдан қўрққандай бу нотаниш қизни кўз остида кетказмасди.

Киз устида саккиз тепкилик хонатлас ял-ял ёнади. Гарчи бу бебаҳо хонатлас Водийда кашф этилиб, тўқилган бўлса ҳам уни жумҳуриятнинг ҳамма ерида севиб қиядилар. Наинки Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Урганч, Туркистонда ҳам, ўшда ҳам, бу томон Душанбе-ю Хўжаанда ҳам бу бебаҳо атлас севиб қийилар, ҳам гўзал, ҳам танга роҳат. Унда камаланинг ётти ранги товланади, инсон вужудига ҳузуру саломатлик бахш этади. Бу, овруполиклар кашфиёти бўлиши пластмассалардан қилинган сунъий мато эмас, бу инсон умрини узайтирадиган бебаҳо мато! Киз устидаги атлас қўйлаги ўзига жуда ярашган, йигитнинг назарида нотаниш киз турмуш қурган, бировнинг хотини бўлса керак, деб ўйлади. У олисроқдан яна кўз ташлаб, чўқур ҳаёлга чўмди.

ЙИГИТ ХАЁЛИ: «Кўзлари, қошлари, ўзининг сутдек оппоқлиги, қарашлари Заринанинг ўзгичаси... Одам-одамга шунчалик ўхшаш бўлармикан? Эй, нозанин, уялиб қочирма кўзини!»

КИЗ ХАЁЛИ: (У ҳам ўз-ўзига дерди) «Бу йигит мени кимгадир ўхшатаётми... Нечун менга тикилиб қолди экан? Қийик кўзлари мунча ўткир, тешиб юборгудай тикилади! Бу, яхши эмас! Ёки шу ерда юрган фариб-гар бир шахсимкан? Шилқим, хотинбоз кимсамикан? Яна бунинг устига чўтироқ. Бурунлари япаскироқ... Хусни жамоли йўқ эркаклардан шилқим-хотинбозлар чиқмайди дердилар. Силлиқ йигитлардан ҳар нима чиқиши мумкин. Бу чўтир сарторашлик... (қиз мийида қилиб қўйди) Ҳар бир тикилган одам ҳақида ўйлаб-ёриш керакми? Унда умр етмайди. Ўйлашга арзимайдими!»

ЙИГИТ ХАЁЛИ: «Бориб, вақтни сўрасаммикан? Самолётга чиқишга қанча вақт қолди, яхши қиз, десаммикан? Бу эски услуб! Қизнинг энаси қотиши мумкин. Нега у мени нотинч қила бошлади экан?»

КИЗ ХАЁЛИ: «Унинг кўзидан нарироқда, бошқа жойга бориб ўтирсаммикан? Сурбетроққа ўхшайди!»

ЙИГИТ ХАЁЛИ: «Ҳеч қачон бундай ҳаяжонланмаганман... Бир сир бор. Инсон ҳам шунчалик киши диққатини ўзига тортармикан? Қаериди иссиғи бор, менимча, йигитлар диққатини дарҳол тортардиган, кўзга яқин киз бу! Эрга теккан бўлса керак? Ёши ҳам йигирма уч, йигирма тўртлардан ошганроқ. Бундай истараси иссиқ кизлар шу ёлғача турмаси керак. Тезда олиб кетадилар. Самарқандликлар қайноқ қон, иссиқ, ҳазилин ёқтирадиган, сўзлари ширин, «да» ўрнига «га» қўшадиган, ярим тожик, ярим ўзбек бўладилар. Хотиннинг шўхини оламан, десанг Самарқанддан ол, деганларида бир қиймат бор, улар «Лайлу наҳор парашталаридир, тўшакни жаннатга айлантирадилар», деб бекорға ривоят қилмаганлар.

Тикилишлардан зериккан киз ёнида ўтирган хушбичи аёлга мурожаат этди:

— Сиз ҳам Тошкентга учпасизми?

— Ҳа, лекин мен Тошкентда бир неча соат тўхтаб, кейин Сочиға учаман... Курортга кетяпман... Докторлар шу таслаҳатни беришди; жуда ҳам қарчаганман. Лекин қўшимча... бир тақасалтанг кимсанг ганини эшитиб туриб, курортга боргим келмай қолди. Курорт шундаки бўлса шармандалиқку!

— Нима дедилар?

— «Дедилар...» эмас, деди, деяберинг! У жуда хурматга муносиб аёл эмас. Сиз ўзингиз қайёққа кетяпсиз?

— Тошкентга. Лекин курортга эмас. Ҳа-ха-ха-ха.

— Ўша тақасалтанг қўшимчани ганини эшитинг:

«Вой, таваб, дунёнинг тескарчилигини қаранг, дейди у, — бу йил курортга ҳамма эркаклар хотини билан келибди! Шунча ҳам бўладими!»

Киз ўрнидан туриб қайёққадир кетди. Бу ҳаракат йигитни ҳижолат этди, наҳотки тикилиш билан қизнинг жонига тежкан бўлса? Аэропорт залини кезиб, уни яна қаердадир ўтириб, вақт ўтказибганини кузатишни ўзига эф қўрмаган йигит жойида қаққайганча қолди. Нима иш қилиб қўйдим! Лекин барибир ҳозир келиб қолади, деб гавжум одамлар оқимига тикилди.

(Давоми бор).

Дилдора 17 дан 18 га ўтар махали совчилар келавериб онасини безор қилиб юборишди. Бир умр уйда ўтирган Ҳадича ая бош фарзандига яхшиликни хоҳласада, келаетганлар орасидан кимни танлашни билмай боши қотарди. Шундай кезде махаллада юксак обрўга эга бўлган аёл: «Ёлғизгина жиянимга беринг. Тинч оила. Уй-жойга ҳам муҳтож бўлмайди. Ўзи ҳам жуда чироили йигит. Қизингизга жуда мос» деб тез-тез келадиган бўлгач, она: «Майли, бир-бирини кўришсин-чи, маъқул бўлса...» деди.

Бу орада Дилдора техникумга ўқишга кирган эди. Онасининг раёйига қарши қиқомай учрашувга чиқишга розилик берди. Дала кизи эмасми, учрашувга ўзига оро бериб чиқишни ҳам билмабди. Лекин шундай бўлса ҳам қўрганини ҳайратга солиш қудратига эга бўлган табиий ҳусни ва одоб йигитга маъқул бўлиб, ўша кунлик унинг қўлига совға-салом тутқазиб юборди. Дилдора уйга келгач, у билан бирга чиққан кеннойиси: «Дилдорахон, йигит сизга ёқдими?» — деб сўради.

— Қайдам, ундай қарай олмадим ҳам, — деди у.

— Вой, ундай бўлса нега совғасини олдингиз? Бу дегани сизнинг розилик аломатингиз-ку.

— Нега менга аввалроқ айтмадингиз? Мен билмасдим. Қолаверса, керакмас, деганимга ҳам қарамай мажбуран тутқазиб юборишди-ку.

— Вой, соддалигингиз қолмади-да, — дея кеннойиси уни қойи-ганча ташқарига чиқиб кетди.

Бу орада меҳмонга келган холаси «Киз болага яхши жойдан бир чиқди. Вақтини ўтказмай, узатиб юбор», — деб онасига маслаҳат бериб қолди.

У бўлдим ёки тақдир эканим, бир ойдан сўнг тўйлар бўлиб ўтди. Тўйда ҳамма қариндош-уруғнинг баҳоси бир жойдан чиқди: «Иккаласи намуна гўзал-а, худди узукка кўз қўйгандек мос-а».

Турмушларининг боши шундай ҳаваслар билан бошланган бўлса, кейинчалик уларга ҳасад қилувчилар ҳам қўпайиб қолди. Айниқса, улар учта фарзанднинг ота-онаси

бўлишганда улар билан бир ҳовлида истикомат қилувчи амакининг хотини бу оилага кўп аралашадиган одат чиқарди.

— Жасурбек, мана хотининг уч-

ЯКУН ТОПГАН
АЯНЧЛИ ТАҚДИР

та киз туғди. Бўлди, энди ўғил туғмайди. Авлодингиз давомчиси бўлмагандан кейин...

Ҳар хил майда-чуйда гаплар бора-бора Жасурбекни оиладан бездириб уйга кеч келадиган, маст-аласт бўлиб хотинини турли сўзлар билан ҳақоратлайдиган, кейин эса урадиган одат чиқарди.

Дилдора эса фарзандларини етим қилмаслик учун барча таъна-дашномлар ва ҳўрликларга чидади. Шундай кезде қайночасининг:

— Қўяверинг болам, болаларингиз катта бўлса, қаддингиз ҳам кўтарилади. Қиз берган худо ўғилни ҳам бериб қолар. Сабр-тоқат бўлинг, — деб унинг қўнғилини кўтаришлари мадад ва далда бўлар эди.

Эсида... Учинчи фарзанди туғилганда техникумнинг охириги курсида ўқир эди. Турмушга чиққан ўқишини кечкига ўтказишган эди. Дастлабки йиллари унча қийналмади, лекин ҳар хил гап-сўзлар...

Турмуш чорраҳаларида

билан ўтса, ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим, — деди.

Бу гапни эшитган Жасурбек кўчага чиқиб кетди, ярим кечаси ширакай ҳолатда келиб:

— Улдираман! Қани у манжалани, — деб ошхонага кириб аллаларсани ахтара бошлади.

Ўғли келмаётганига ҳавотир олиб ухламай ётган онаси югуриб чиқиб:

— Хой, ўғлим, ўзингни бос. Нима бўлди, сенга. Шайтоннинг гапига кирма, — деб бақирганича қолди. Ўғил ошхонадаги катта сопи пичоқни олиб, уйга қараб югурди. Ҳовли юзасидаги нимагадир қўқилиб йиқилди.

Шўрлик онанинг ҳаёлига даб-дурдурдан ошхона девориди ҳарвон келди-ю, келини ётган уй деразасига қўйиб:

— Болам, тез қўшнилариникига яширининг. Болаларга мен ўзим қарайман, — деди.

Дилдора қайночаси айтганидек

Табассум

ҲОЗИРЧА...

— Шундай қилиб, ба-

лиқчилиқ ҳўжалигида иш-

лайман денг?

— Ҳа, фақат балиқлар-

нинг болачаларини, яъни

чавақчаларни етиштириш

билан шуғулланаман,

дўхтур...

— Демак, балиқларни-

нг боғча акаси экансиз-

да? Ҳа, майли, чавақча-

ларингиз катта бўлиша-

версин. Ўша чавақча-

рингиз осмондан оёғини

узатиб тушмаган бўлса-

лар керак. Уларнинг ҳам

ота-оналари бўлса бор-

дир? Ҳозирча ўша ота-

оналаридан олиб келиб

турсангиз бўлаверади.

АГАР МЕН

ТОЗАПАСАМ

Тирик балиқ сотилаётган дўкан олдида эр-хотин ўтиб кетишгаётганида эр хотинига:

— Тирик балиқ сотилаётган экан, сотиб ол-сак бўлармиди, анчадан бери балиқ емадик, — деди.

— Сиз тозаласизми?

— деб сўради хотини.

— Мен тозалайдиган бўлсам, балиқ емаганимиз ҳам маъқул.

ПУҚМА

— Автомашинангизда «Тирик балиқ» деб ёзиб қўйибсизку, ўзингиз ўлик балиқ олиб келибсиз, бу ёғи қандай бўлди, тақсир?

— Афандим, аввало балиқларга нисбатан «Ўлик қолибди» дейилган сўзни қўллашнинг ўзи ножиоз. Бундай ҳолатларда «Балигингиз ухлаб қолибди», десангиз мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қолаверса пайғамбаримизнинг ўзлари балиқни «луқмаи ҳалол» деб атаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг тирик ёки ўликларининг орасида фарқ йўқ.

САВОП-ЖАВОБ

— Айтинчи, сиз хон-балиқни яхши кўрасизми ёки зогора балиқини?

— Мен бор балиқни яхши кўраман.

Хусан АХМЕДОВ.

Бош муҳаррир
Уринбосар
Солих ЁҚУБОВ

Ажойиботлар

ИККАПАСИ ҲАМ
ОҒИР

Американинг Сизтл шаҳрида шундай бир оила яшайди. Бу Адена ва Жок Морганлар оиласи бўлиб, улар илк бора 1937 йилда турмуш қуришган. Аммо ўтган йиллар мобайнида бу эр-хотин 39 мартаба ажрашиб, шунча марта қайта никоҳдан ўтган. Қизиги шундаки, бирозгина феъли феълига тўғри келмай қолганда ажрашадиган бу эр-хотинлар, бир-бирисиз яшай олмаслигини сезган заҳоти яна турмуш қуришади. Ҳа, бирга яшаш оғир, бир-бирисиз яшаш ундан ҳам оғир.

ЯГОНА
МИЛЛИАРДЕР

Америка ва Японияда бой-бадавлат одамлар жуда кўп. Айниқса, миллиардерлар сони ҳам анчагина. Австралида эса ҳозирча ягона миллиардер бўлиб, унинг исми

Керри Пакердир. Пакер 170 та компанияга ҳўжайинлик қилади. Унинг бу компаниялари жаҳоннинг турли бурчакларида фаолият кўрсатмоқда. Австралида миллионерлар сони эса 200 нафарни ташкил этади.

74 ФАРЗАНДНИНГ
ОНАСИ

Чилилик Леонтино Эскинозани «қаҳрамон» оналарнинг сардори деб атасак тўғри бўлади. 63 ёшли бу аёлнинг 74 нафар фарзанди бор. У 16 марта 1 тадан, 12 марта эгизак, 11 марта 3 эгизак фарзанд кўрган. Аммо, унинг ҳозирча 11 нафар набираси бор ҳолос. Унинг кўп фарзанд қўриш хислати фарзандларига «оқмаган».

ТЕЗ ЮРАДИГАН
ОДАМ

Норвегиялик Эрнст Менсен тез юриш бўйича рекорд ўрнатган инсонлардан биридир. У атиги 14 кун мобайнида Париждан

Москвагача пиёда келган. Истамбулдан Калькуттага ва яна орқага қайтиш учун 59 кун сарфлаган ҳолос. Бу масофа 9000 километрга яқин бўлиб, Эрнст бу масофани фақат пиёда босиб ўтган.

ОТ УСТИДА

Венесуэлалик ишчи Карло Монтесинг сабрматонатига қойил қолмай олож йўқ, албатта. Чунки у бир дўсти билан гаров ўйнаб, бир ой от устида яшайди. У шу бир ой мобайнида умуман отдан тушмади. Овқатни ҳам от устида еди, от устида ухлади, хуллас бошқа барча ишларни от устида бажаришга тўғри келди. Чунки гаровга катта пул тикилган эди-да. Карло гаровда ятиб чиқдию, аммо кейин анчагина қийналди. Чунки ўтиравериб оёқлари акашак бўлиб қолган экан.

Дилноза ФИЁС қизи тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Очик турдаги «Шарқ гули» акциядорлар жамияти масъулияти чекланган жамиятга айлантирилганлиги муносабати билан «Шарқ гули» акциядорлар жамиятининг акциялари 1 ой давомида қабул қилинади. 1 ойдан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Ташкилий кўмита.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кабель ишностларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари бажарилиши муносабати билан

1998 йилнинг 14 октябридан 19 октябригача С.Хўжаев, Архитектурная, У. Юсупов, З. Қобулов, Тошкенбозов, Мулла Тўйчи кўчаларида, қисман Қосимқўжаев, гвардия полковниги Хўжаев, А. Пулат, Радиальная, Барнаульская кўчаларида истикомат қилувчи 48-АТС абонентларида

1998 йилнинг 14 октябридан 25 октябригача Нашриёт, Чевар кўчаларида, 1 ва 4-Чевар тор кўчаларида, Зулфизар, Тўқимачи, Шароф кўчаларида, қисман Уйғур кўчасида, Атоий кўчасида, 6-Атоий тор кўчасида, Раҳимбобоев, Боту кўчаларида, Бешқайрағоч даҳасидаги 21, 22, 23, 24, 25, 26-уларда истикомат қилувчи 47-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акциядорлик жамияти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, туилар, юбилейлар муносабати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва акшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТЕВУТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Акмал Икромов туманида жойлашган «Саховат-Шароф» масъулияти чекланган жамият

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Очик турдаги «Ўзбекфильм» акционерлик жамияти раҳбарияти «Ўзбеккино» ишлар бошқаруви бошқармаси бошлиғи Анвархўжа Бўрихўжаевич Ёқубхўжаевга волидаи муҳтарамалари

Закия ая ҲАБИБУЛЛАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горшанба
ва жума
кўчалари таъзия.
Нашир қўрсаткичи
209

Нашри етказиб бериш
масалаари бўйича турар
жойлардаги почта
булимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.